

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.3/03.06.2023.Т.04.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВ КОМИЛ ИСРОИЛОВИЧ

**СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА НОЧИЗИҚЛИ ДИНАМИК
ОБЪЕКТЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ АЛГОРИТМИК
СИНТЕЗЛАШ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва
бошқариш**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Усманов Комил Исроилович

Синергетик ёндашув асосида нечирик динамик объектларни
бошқариш тизимларини алгоритмик синтезлаш.....3

Усманов Комил Исроилович

Алгоритмический синтез систем управления нелинейными
динамическими объектами на основе синергетического подхода.....21

Usmanov Komil Isroilovich

Algorithmic synthesis of control systems for nonlinear dynamic objects based
on a synergetic approach.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.3/03.06.2023.Т.04.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

УСМАНОВ КОМИЛ ИСРОИЛОВИЧ

**СИНЕРГЕТИК ЁНДАШУВ АСОСИДА НОЧИЗИҚЛИ ДИНАМИК
ОБЪЕКТЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМЛАРИНИ АЛГОРИТМИК
СИНТЕЗЛАШ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.4.PhD/T1429 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tkti.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сиддиков Исомиддин Хақимович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каипберганов Ботирбек Тулепбергенович
техника фанлари доктори, профессор

Искандаров Зоҳид Эргашбаевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги PhD.3/03.06.2023.Т.04.03 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгаш 20__ йил «__» _____ соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+998) 71-244-79-20, факс (+998) 71-244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz) Тошкент кимё-технология институти маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали.

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институтининг Ахборот-ресурс Марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 32. Тел.: (+998) 71-244-79-20.

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2023 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

Б.Ш.Усмонов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор

З.А.Машарипова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н., доцент

А.Артиқов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мавжуд замонавий мураккаб техник тизимлар ўзида муайян технологик функцияларни бажарадиган ва ўзаро бир-бири билан энергия, моддалар ва маълумотлар алмашинадиган жараёнлардан иборат турли хил осттизимлар комплексини ташкил қилади. Технологик жараёнларни автоматлаштириш соҳасидаги асосий вазифалардан бири бу бошқариш жараёнининг сифатини яхшилайдиган синергетик ёндашув усулларида фойдаланган ҳолда юқори самарали бошқариш тизимларини яратиш ҳамда кам энергия ва ресурс сарфлаб, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришишдир. Бу борада бир қатор етакчи хорижий мамлакатларда кўплаб ютуқларга эришилган бўлиб, уларда асосан синтезлаш масалаларини ечишда ночизикли объектларни табиий хусусиятларини ҳисобга олиш ва бошқаришнинг янги қонуниятларини яратиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳонда технологик жараёнларни бошқариш тизимларини такомиллаштиришга, хусусан, нефтни қайта ишлаш корхоналарида синергетик ёндашув усулларида фойдаланишни жорий этиш орқали юқори сифатли маҳсулотларни олиш учун илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Реал шароитда ишлаб чиқариш жараёнлари мураккаб хусусиятга эга бўлиб, у турли хилдаги ташқи ва ички таъсирлар остида бўлади. Ушбу ва бошқа таъсирларнинг ноаниқлиги, технологик параметрларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳамда уларнинг ночизиклилик хусусиятлари юқори сифатли бошқариш тизимини яратиш масаласини мураккаблаштиради. Шу жиҳатдан нефть маҳсулотларига ишлов бериш, хусусан дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнини замонавий бошқариш усулларида бири бўлган синергетик ёндашув асосида бошқариш тизимларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз иқтисодиётининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган нефтни қайта ишлаш жараёнларини автоматлаштирилган бошқариш тизимларини яратишда энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш имконини берувчи юқори самарадорликга эга бошқариш тизимларини яратишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида, жумладан «Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини 1,4 бараварга ошириш...»¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан нефтни қайта ишлаш жараёнларини сифат кўрсаткичларини яхшилаш мақсадида замонавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда, дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнини тежамкор технологиялар асосида рақамли бошқариш тизимини моделлаштириш ва синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш зарурати туғилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ўзбекистон Республикаси ёқилғи-энергетика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Нефтни қайта ишлаш корхоналарида нефть хом ашёсига ишлов бериш, жумладан дизель ёқилғисини олишда гидротозалаш жараёни мураккаб хусусиятга эга бўлиб, бу жараёни бошқариш тизимини замонавий усуллар асосида такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган илмий-техникавий наشرлар таҳлили ушбу соҳада маълум даражада назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан далолат беради. Бу борада жаҳоннинг етакчи илмий марказлари, жумладан, Rockwell Automation, Massachusetts Institute of Technology, Honeywell (АҚШ), LIFE халқаро лабораторияси, University of Münster, Siemens (Германия), Wecan Agrotexservis (Жанубий Корея) ҳамда олий таълим муассасалари: BISC (АҚШ), Зиген университети (Германия), Донгук университети (Жанубий Корея) ва Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Нефть маҳсулотларини гидротозалаш жараёнини нозичилик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларни амалиётга тадбиқ этиш бўйича кўплаб хорижлик олимлар, жумладан, Г.Хакен², А.А. Колесников³, А.Н. Лабутин⁴ ва бошқалар, ҳамда интеллектуал технологиялар асосида бу жараёнларни бошқариш тизимларини яратиш ва такомиллаштириш бўйича илмий муаммоларни ечишга мамлакатимиз олимларидан Н.Р.Юсупбеков⁵, Х.З.Игамбердиев⁶, Т.Ф.Бекмуратов⁷,

² Хакен Г. Синергетика. — М.: Мир, 1980. — 406 с.

³ Колесников А. А. Синергетическая теория управления. — 1994.

⁴ Лабутин А. Н., Невиницын В. Ю. Синтез нелинейного алгоритма управления химическим реактором с использованием синергетического подхода //Izvestiya Vysshikh Uchebnykh Zavedenii. Seriya Khimiya i Khimicheskaya Tekhnologiya. — 2017. — Т. 60. — №. 2.

⁵ Юсупбеков Н.Р., Алиев Р.А., Алиев Р.Р., Юсупбеков Н.А. Интеллектуальные системы управления и принятия решений. -Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. — 2014. — С.490.

⁶ Igamberdiyev X.Z. Regularized algorithms of adaptive assessment of state of control objects with parametric perturbation account//Chemical Technology, Control and Management. Volume – 2018. Issue 2. – pp.47-52.

⁷ Бекмуратов Т.Ф. Систематизация задач интеллектуальных систем поддержки принятия решений // Проблемы информатики и энергетики. Ташкент. №4. – 2003. – с.24-35.

Ш.М.Гулямов.⁸, И.Х.Сиддиқов⁹ ва бошқалар ўзларини катта хиссаларини кўшганлар.

Шу билан бирга, дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг хусусиятларини, жумладан унинг параметрларини ночизиклилигини ва динамик ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда юқори самарали бошқариш тизимини яратишнинг ахборот технологиялари ютуқларидан фойдаланган ҳолда замонавий бошқариш усуллари ва алгоритмларини такомиллаштиришни талаб этади. Шу муносабат билан дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг замонавий бошқариш усулларида бири бўлган синергетик ёндашув назарияси усулларида фойдаланган ҳолда бошқариш тизимини агрегирлашган ростлагичларни аналитик конструкциялаш алгоритмларини яратиш ва такомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг ИТД-5-36 – “Нефть-кимё қурилма ва мажмуаларини технологик хавфсизлиги мониторингининг ахборот-аналитик интеллектуал тизимини яратиш” (2012-2014) ва БА-А5-025 – “Кўп босқичли карбонизациялаш жараёнини адаптив бошқариш тизими ва автоматлаштирилган мониторингини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш” (2017-2018) мавзуларидаги илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади синергетик ёндашув асосида ночизикли динамик объектларни бошқариш тизимларини синтезлаш моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ночизикли динамик объектларни бошқариш жараёнини замонавий ҳолатини тизимли таҳлил қилиш;

синергетик ёндашув асосида ночизикли динамик объектларни бошқариш тизимларини математик моделларини ишлаб чиқиш;

ночизикли динамик объектларни синергетик ёндашув асосида ночизикли бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ночизикли динамик объектларни синергетик ёндашув асосида агрегирланган ростлагичларни синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнидаги кимёвий реактор параметрларини синергетик ёндашув асосида бошқариш тизимини синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва дастурий мажмуасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнини бошқариш тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети дизель ёқилғисини гидротозалаш технологик жараёнини бошқариш усуллари, моделлари ва алгоритмлари ҳисобланади.

⁸ Gulyamov Sh.M. Intelligent control technology, the reliability of the measuring information// Chemical Technology, Control and Management. № 3. – 2018. – pp.128-131.

⁹ I.H. Sidikov, K.I. Usmanov, N.S. Yakubova. SYNERGETIC CONTROL OF NONLINEAR DYNAMIC OBJECTS. «Chemical Technology. Control and Management». №2(92), 2020.pp. 44-55. International scientific and technical journal. URL: <https://uzjournals.edu.uz/ijctcm/vol2020/iss2/8>.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, дифференциал тенгламалар назарияси, автоматик бошқариш назарияси, имитацион моделлаштириш ва синергетик бошқариш назарияси усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ночизиқли динамик объектларни юқори самарали бошқариш тизимини яратиш имконини берувчи синергетик ёндашув усуллари асосида ностационар технологик жараёнларнинг аналитик динамик моделларини қуришнинг механизми ишлаб чиқилган;

ўз-ўзини ташкил этиш хусусиятига эга бўлган бошқариш қонунларини яратиш имконини берувчи агрегирланган ростлагичларни аналитик конструкциялашнинг синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

технологик жараёнларни агрегирланган ростлагичларни аналитик конструкциялаш усули асосида синергетик бошқариш қонуниятларини яратишга имкон берувчи бошқариш тизимини синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг технологик параметрларининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда жараённинг барқарорлигини таъминлаш имконини берувчи синергетик бошқариш тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнини квазиоптимал технологик режимларини амалга ошириш асосида энергия ва ресурс тежамкорлигини таъминлаш имконини берувчи бошқариш тизимининг функционал схемаси ишлаб чиқилган;

жараёнлар кечишининг технологик режимлари барқарорлаштириш ва уларнинг ишлаш самарадорлигини оширишга имкон берувчи синергетик ёндашув асосида кимёвий реакторнинг бошқариш тизимининг такомиллаштирилган структуравий схемаси ишлаб чиқилган;

синергетик ёндашув асосида ночизиқли динамик объектларни бошқариш тизимларини синтезлаш масалаларини ечишнинг дастурий-алгоритмик таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотнинг ишончлилиги назарий асосланган, ночизиқли динамик объектларни автоматик бошқариш ва тажриба усулларида тўғри фойдаланилганлиги, таклиф этиладиган бошқариш моделлари ва алгоритмларининг белгиланган даражада мослиги, апробация қилинган замонавий бошқариш назарияси усулларида қўлланилиши, назарий ва амалий тадқиқотлардан олинган натижалар ва уларнинг ўзаро мослиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бошқариш жараёнига ўз-ўзини ташкил қилиш ва ўз-ўзини сошлаш хусусиятини берувчи синергетик ёндашув усуллари асосида ночизиқли динамик объектларни бошқариш тизимларини синтезлашнинг конструктив моделлари ва алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефть маҳсулотларини гидротозалаш жараёнининг статик ва динамик тавсифларини ночизиклигини ҳисобга олган ҳолда кимёвий реакторнинг такомиллаштирилган синергетик бошқариш тизимини синтезлашнинг математик ва алгоритмик таъминотини яратишдан иборат бўлиб, у узлуксиз характерли технологик жараёнларни рақамли бошқариш тизимини лойиҳалашнинг дастурий воситасини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Синергетик ёндашув асосида ночизикли динамик объектларни бошқариш тизимларини алгоритмик синтезлаш бўйича олинган натижалар асосида:

дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг такомиллашган бошқариш системасини тадқиқ қилишнинг синергетик ёндашув асосида тузилган моделлари ва алгоритмлари «Фарғона НҚИЗ» МЧЖда жорий қилинган («Фарғона НҚИЗ» МЧЖнинг 2023 йил 23 майдаги № 08-201-сон маълумотномаси). Натижада, ахборотларни қайта ишлаш вақтини 1,3 % га камайтириш ҳисобига, жараённи бошқаришда натижаларни олиш ва қарор қабул қилишнинг тезлигини 1,5 % га ошириш имконини берган;

дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг технологик параметрларини оптимал қийматларини таъминловчи рақамли бошқариш тизими «Фарғона НҚИЗ»да жорий этилган («Фарғона НҚИЗ» МЧЖнинг 2023 йил 23 майдаги №08-201-сон маълумотномаси). Натижада, «Фарғона НҚИЗ»да кимёвий реакторнинг ҳарорат режимини номинал қийматдан оғиши 1,9 % га камайтириш имконини берган;

синергетик бошқариш назарияси усулларини қўллаш асосида дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг асосий бошқарилувчи параметрларини технологик регламентга мос равишда ушлаб туришни таъминловчи микроконтроллерли бошқариш тизими «Фарғона НҚИЗ»да жорий этилган («Фарғона НҚИЗ» МЧЖнинг 2023 йил 23 майдаги № 08-201-сон маълумотномаси). Натижада, водород сарфини 0,9 % га, ҳамда энергия сарфини 1-2 % га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ҳамда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 1 таси хорижий ва 6 таси республика журналларида нашр этилиб, ЭҶМ лар учун дастурий маҳсулотларга рўйхатдан ўтган 3 та гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги асосланган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ночизикли динамик объектларни бошқаришнинг замонавий ҳолати”** номли биринчи бобида ночизикли динамик объектларни бошқариш жараёларининг хусусиятлари, ночизикли объектларни мавжуд бошқариш усуллари ва алгоритмлари тизимли таҳлил қилинган ҳамда бундай хоссаларга эга бўлган динамик объектларни бошқаришда синергетик ёндашув усулларида фойдаланишга асосланган.

Маълумки ҳар қандай реал объектлар ночизиклилик, кўп ўлчамлилик ва кўп боғланишлилик хусусиятларига эга бўлиб, уларда турли ҳил кўринишдаги режимлар ва мураккаб характерли ўткинчи жараёнлар содир бўлади. Шунинг учун бу каби динамик тизимларни мавжуд бошқаришнинг анъанавий усуллари асосида керакли натижага эришиб бўлмайди. Бу эса объектларни, кенг диапазонда, ночизиклик хусусиятини ҳисобга олган ҳолда бошқариш тизимини яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, ҳозирги вақтда ишлаб чиқиладиган маҳсулотнинг сифат кўрсаткичларига қўйилаётган талабларнинг ортиб бориши унда содир бўладиган технологик жараёнларни бошқариш тизимини мураккаблаштиришга сабаб бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида юқори даражали автономлик ва мослашувчанлик хоссасига, шунингдек объект хусусиятининг ночизиклигини ҳисобга олишни имконини берувчи юқори самарадорликка эга бўлган бошқариш тизимини яратишга эҳтиёжни келтириб чиқаради.

Бунда тизимнинг динамикасини ночизиклиги ва жараёларининг термодинамикасига асосланган ҳолда бошқариш тизимини яратишда синергетик ёндашув усулларида фойдаланиш орқали самарали натижага эришиш мумкин.

Синергетик бошқариш назариясининг асосий хусусиятлари шундан иборатки, бунда синтезлаш масалаларини ечишда ночизикли объектларни табиий хусусиятларини ҳисобга олиш ва бошқаришнинг янги қонуниятларини яратиш имконини беради. Диссертация ишида ночизикли хусусиятга эга бўлган дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнини бошқаришда синергетик ёндашув усулларида фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилган. Бу жараённи бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқишнинг бир қатор муҳим хусусияти билан мураккаблашади: объектда ночизиклилик хусусиятлари мавжудлиги, кўп ўлчамлилик, ўзаро боғлиқ бўлган узатиш каналларининг мавжудлиги, математик моделнинг ноаниқлиги, тўғридан-тўғри ҳолатни ўзгартириш имконияти, қурилмага

кираётган хом-ашё оқимларининг хусусиятлари барқарор эмаслиги, технологик жараён фақатгина ўлчанувчи параметрлари бўйича амалга оширилганлиги, жараённинг бир қатор асосий параметрларини тезкор режимда ўлчаб бўлмаслиги, қурилмага келиб тушаётган водород ва дизель ёқилғиси миқдорининг ностабиллиги сабабли жараённи сифатли бошқариб бўлмаслиги, ташқи таъсирларни назоратсиз қолишлиги ва гидротозалашда кечадиган жараённинг ностационарлиги ва бошқалар.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, диссертация иши ночизикли динамик объектларни синергетик ёндашув асосида синтезлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш масаласига бағишланган.

Диссертациянинг **“Ночизикли динамик объектларни синергетик бошқариш тизимларини моделлаштириш”** номли иккинчи боби синергетик ёндашув асосида ночизикли динамик объектларни бошқаришнинг математик асосларига таянган ҳолда динамик моделларини қуриш, моделлар тузилишини тавсифлаш, ҳамда объектларни бошқаришнинг векторли қонунининг синтезлашга бағишланган.

Ночизикли динамик объектнинг ночизикли дифференциал тенгламалар тизими қуйидаги кўринишида берилган бўлсин:

$$\begin{aligned} \frac{dx_i}{d\tau} &= f_i(x_1, x_2, \dots, x_n), \quad i = \overline{1, n-1} \\ \frac{dx_n}{d\tau} &= f_n(x_1, x_2, \dots, x_n) + u, \end{aligned} \quad (1)$$

бу ерда: $(x_1, x_2, \dots, x_n)^T$ – ҳолат векторлари, u – скаляр бошқариш.

Ночизикли динамик объектнинг асимтотик турғунлигини таъминлайдиган шундай бошқариш қонуни $u(\psi) = u(x)$ ни топиш керакки, (1) – тизимнинг фазавий фазодаги тасвирловчи нуқтасини ихтиёрий бошланғич ҳолат $x^0 = (x_1^0, x_2^0, \dots, x_n^0)$ дан инвариант хилма-хиллик $\psi(x_1, x_2, \dots, x_n) = 0$ га ўтказади. Хилма-хиллик тасвирловчи нуқтани дастлаб зарурий фазавий траекторияга яқинлаштиради, сўнгра эса, бу бўйича зарурий координатага ҳаракатини таъминлайди. Берк тизим объект - ростлагич турғун бўлишига таянган ҳолда хилма-хилликларнинг конструкцияси тузилади. Макроўзгарувчи $\psi(x)$ бошланғич нуқтадан $u(x)$ бошқариш таъсири остида кўзғалганда, тасвирловчи нуқта хилма-хиллик $\psi(x) = 0$ га тушгунча ўзгариб туради. Синергетик бошқариш назариясида $u(x)$ бошқариш қонунини синтезлаш процедурасида оптимал бошқариш назарияси терминларидаги вариацион ҳисоблашдан фойдаланиш мумкин. Динамик тизимлар учун оптималлик критерияси ҳолат фазасида ўзгарувчан структурага эга катта ва кичик четлашишлар режимида тизим сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талабларни акс эттириши керак бўлган агрегир макроўзгарувчидан функционал кўринишда берилади. Функционални қуйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$J = \int_0^{\infty} F(\psi, \dot{\psi}) d\tau, \quad (2)$$

бу ерда: $F(\psi, \dot{\psi})$ – узлуксиз дифференциал функция; $\psi(x_1, x_2, \dots, x_n)$ – $\psi(0, 0, \dots, 0) = 0$, $\dot{\psi} = d\psi / d\tau$ фазовий координаталарнинг узлуксиз дифференциал функцияси;

$$F(\psi, \dot{\psi}) = m^2 \phi^2(\psi) + c^2 \psi^2, \quad (3)$$

бу ерда: m, c – константалар.

Унда (2) функционални куйидаги кўринишга ифодалаймиз:

$$J = \int_0^{\infty} (m^2 \phi^2(\psi) + c^2 \psi^2) d\tau, \quad (4)$$

бу ерда: $\phi(\psi)$ – ифода $\psi \neq 0$ нинг ҳамма ҳолатида куйидаги шартларни қаноатлантириши керак: $\phi(0) = 0$ ва $\phi(\psi) \cdot \psi > 0$.

$\psi(x_1, x_2, \dots, x_n)$ функциясининг тўлиқ ҳосиласини куйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$\frac{d\psi}{d\tau} = \sum_{i=1}^n \frac{\partial \psi}{\partial x_i} \cdot \frac{\partial x_i}{\partial \tau} \quad (5)$$

$dx_i / d\tau$ ни ўрнига (1) объект моделининг тенгламаларини кўйиб, куйидаги кўринишдаги ифодани ҳосил қиламиз:

$$\frac{d\psi}{d\tau} = \sum_{i=1}^n \frac{\partial \psi}{\partial x_i} f_i(x_1, x_2, \dots, x_n) + \frac{\partial x_i}{\partial \tau} u \quad (6)$$

$\phi(\psi) = \psi$ деб белгилаб, (6) оптималлик функционалини куйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$J = \int_0^{\infty} \left[m^2 \psi^2 + c^2 \left(\sum_{i=1}^n \frac{\partial \psi}{\partial x_i} f_i + \frac{\partial x_i}{\partial \tau} u \right)^2 \right] d\tau \quad (7)$$

(7) функционал берилган бошқариш объекти ҳамда бошқариш тизимининг хусусиятларини характерлайди.

(4) ёки (7) функционаллар экстремумининг зарурий шarti (минимуми) ни куйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$\delta J = \int_0^{\infty} \left(\frac{\partial F}{\partial \psi} - \frac{d}{d\tau} \frac{\partial F}{\partial \dot{\psi}} \right) \delta \psi d\tau = 0 \quad (8)$$

(8) ўринли бўлади, агар қавс ичидаги ифода нолга тенг бўлса:

$$\frac{\partial F}{\partial \psi} - \frac{d}{d\tau} \frac{\partial F}{\partial \dot{\psi}} = 0 \quad (9)$$

(9) ифода Эйлер тенгламаси дейилади. Агар F функция вақтга боғлиқ бўлмаса, унда Эйлер тенгламаси куйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\frac{\partial F}{\partial \psi} - \frac{\partial^2 F}{\partial \psi \partial \dot{\psi}} \dot{\psi} - \frac{\partial^2 F}{\partial \dot{\psi} \partial \dot{\psi}} \ddot{\psi} = 0 \quad (10)$$

бу ерда: $\dot{\psi} = \frac{d\psi}{dt}$ $\ddot{\psi} = \frac{d^2\psi}{dt^2}$ га тенг.

Иккинчи тартибли дифференциал тенглама (10) нинг ечими экстремал ҳисобланади, у ҳолда (10) тенгламанинг биринчи интегралини куйидаги кўринишда ифодалаб оламиз:

$$m^2\dot{\psi}^2 + c^2\dot{\psi}^2 - 2c^2\dot{\psi}^2 = 0, \quad m^2\dot{\psi}^2 = c^2\dot{\psi}^2 \quad (11)$$

Бу ифода турғун ва нотурғун экстремалларни ўз ичига олиб, улар (7) функционал учун минимумни таъминлайди. (11) ифоданинг чап ва ўнг қисмларидан квадрат илдизни чиқариб, турғун экстремаллар учун қуйидаги тенгламани ҳосил қиламиз:

$$T\dot{\psi} + \psi = 0 \quad (12)$$

бу ерда $T = c/m$ га тенг. $\psi(x_1, x_2, \dots, x_n)$ макроўзгарувчига нисбатан (12) тенгламанинг асимптотик турғунлик шарти қуйидагича: $T > 0$.

Шундай қилиб, бошқариш қонунини синтезлашга оптимал бошқариш назарияси нуқтаи назаридан ёндашиш юқорида таъкидлаб ўтилган функционал тенгламани беради.

(12) ифодадаги $d\psi/dt$ ўрнига (6) га қўйиб қуйидагича ифодани ҳосил қиламиз:

$$T \frac{\partial \psi}{\partial x_n} u + T \sum_{i=1}^n \frac{\partial \psi}{\partial x_i} f_i + \psi = 0$$

Бундан бошқаришни умумий кўринишда қуйидагича ифодалаймиз:

$$u = - \left(\frac{\partial \psi}{\partial x_n} \right)^{-1} \left[\sum_{i=1}^n \frac{\partial \psi}{\partial x_i} f_i + \frac{1}{T} \psi \right] \quad (13)$$

(13) ифода кўрсатилаган бошқариш қонунини синтезлаш процедураси агрегирланган ростлагичларни аналитик конструкциялаш (АКАР) усули деб номланади.

АКАР усулини икки ўлчамли ночизикли динамик тизимга тадбиқини кўриб чиқамиз. Объект ночизикли дифференциал тенгламалар тизими кўринишида берилган бўлсин:

$$\begin{aligned} \frac{dx_1}{d\tau} &= f_1(x_1, x_2), \\ \frac{dx_2}{d\tau} &= f_2(x_1, x_2) + u, \end{aligned} \quad (14)$$

бу ерда x_1, x_2 – ҳолат координаталари, u – скаляр бошқариш. Динамик объектининг асимптотик турғунлигини таъминлайдиган шундай бошқариш қонуни $u = u(x_1, x_2)$ ни топиш керакки, (14) – тизимнинг фазовий фазадаги тасвирловчи нуқтасини ихтиёрий бошланғич ҳолат $x^0 = (x_1^0, x_2^0)^T$ дан инвариант хилма-хиллик $\psi(x_1, x_2) = 0$ га ўтказади. Хилма-хил тасвирловчи нуқтани дастлаб зарурий фазовий траекторияга яқинлаштиради сўнгра эса, бу бўйича координата бошига ҳаракатини таъминлайди (1-расм). Хилма-хилликнинг структураси шундай танлаш керакки, унда объектнинг характерли хусусиятлари сақланиши лозим (2-расм), масалан мувозанат ҳолатида фазовий координаталарнинг маълум муносабатини сақлаб қоладиган тарзда танланади. $\psi(x_1, x_2)$ функцияси ўзгарувчилар ҳолатини бир - бирига боғлиқлигини билдирадиган агрегир макро ўзгарувчи дейилади.

Бошланғич ҳолатда $\psi(x_1^0, x_2^0) \neq 0$ га тенг. Модомики, бошқариш таъсирида тизимнинг ташкил этувчи нуқтаси $\psi(x_1, x_2) = 0$ хилма-хилликка тушса, унда асимптотик турғунлигини таъминлайдиган асосий функционал тенгламани юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, оддий дифференциал тенглама кўринишда қуйидагича ифодалаймиз:

$$T \frac{d\psi}{d\tau} + \psi = 0 \quad (15)$$

(15)-тенглама 1-тартибли аperiодик звенонинг эркин ҳаракатини тасвирлайди.

Агрегир макро ўзгарувчини ҳосиласи $\frac{d\psi}{d\tau} = \frac{\partial\psi}{\partial x_1} \cdot \frac{dx_1}{d\tau} + \frac{\partial\psi}{\partial x_2} \cdot \frac{dx_2}{d\tau}$ ни тўлиқ ҳисоблаб, (15) - функционал тенгламани (14) - тенглама модели орқали қуйидагича ифодалаб оламиз:

$$T \left[\frac{\partial\psi}{\partial x_1} \cdot f_1(x_1, x_2) + \frac{\partial\psi}{\partial x_2} \cdot f_2(x_1, x_2) + \frac{\partial\psi}{\partial x_2} \cdot u \right] = -\psi$$

бу ердан бошқариш қонуни учун қуйидаги ифодани ҳосил қиламиз:

$$u = \left[\frac{\partial\psi}{\partial x_2} \right]^{-1} \cdot \left[-\frac{1}{T}\psi - \frac{\partial\psi}{\partial x_1} \cdot f_1(x_1, x_2) - \frac{\partial\psi}{\partial x_2} \cdot f_2(x_1, x_2) \right] \quad (16)$$

$\psi(x_1, x_2) = 0$ хилма-хилликда x_2 кординатани x_1 билан ифодалаб қуйидагини оламиз :


$$x_{2\psi} = \varphi(x_{1\psi})$$

Бу ифодани (14) тенгламага қўйиб, тизимнинг ҳаракат тенгламасини $\psi(x_1, x_2) = 0$ бўйича қуйида кўринишда ифодалаймиз:


$$\frac{dx_{1\psi}}{d\tau} = f_1(x_{1\psi}, \varphi(x_{1\psi}))$$

Шундай қилиб, математик модел дифференциал тенгламалар тизимининг ўлчами биттага камайди, шунингдек тизимнинг динамик бўлиниши (декомпозиция) юз берди.

Синергетик бошқариш назарияси усулининг механизми



1-расм. Тизимнинг фазавий портрети.




2- расм. Тизимнинг вақт бўйича ўзгариш графиги

Таклиф этилган бу усул нозизиқли динамик объект ҳолатини ностационар ва ташқи омиллар ноаниқлиги шароитида бошқариш моделини яратиш имконини беради.

Диссертациянинг “Дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг оптимал ишлаш режимини синтезлаш ва моделлаштириш” номли учинчи бобида бошқариш тизимларининг оптимал ишлаш режимини моделлари ва ростлаш тизимини синтезлаш алгоритмлари келтирилган.

Қаралаётган бошқариш тизими нозизиқли, кўп ўлчамли ва кўп боғланишли, ҳамда ўзгарувчиларнинг ўзаро боғлиқлиги, жараёнга таъсир қилувчи факторларнинг таъсирини ноаниқлиги синтезлаш масаласини ечишда айрим қийинчиликларни келтириб чиқаради. Шунинг учун бу хусусиятларни ҳисобга олиш имкониятини берувчи синергетик бошқариш назариясига асосланган ҳолда бошқариш тизимини синтезлашда қўлланиладиган структурасини танлаш ва оптимал ишлаш режимини топиш масалалари муҳим роль ўйнайди. Бунда моделнинг реал объект билан адаптациялаш масаласи асосий вазифалардан биридир.


Объектнинг таҳлили сифатида кимёвий реакторни кўриб чиқамиз (3-расм). Кимёвий реакторда қуйидаги кетма-кетликдаги кимёвий реакция кетмоқда:



Кимёвий реактордаги кимёвий реакциянинг кинетикаси қуйидаги кўринишда ифодаланилади:

$$\begin{cases} \dot{x}_1 = -k_1 \cdot x_1 \cdot x_2 - k_2 \cdot x_1 \cdot x_3 \\ \dot{x}_2 = -k_1 \cdot x_1 \cdot x_2 \\ \dot{x}_3 = k_1 \cdot x_1 \cdot x_2 - k_2 \cdot x_1 \cdot x_3 \\ \dot{x}_4 = k_2 \cdot x_1 \cdot x_3 - k_3 \cdot x_1 \cdot x_4 \end{cases} \quad (19)$$

x_1, x_2, x_3 – кириш реагентларининг концентрацияси; x_4 – реакция маҳсулотлари концентрацияси; k_1, k_2 – кимёвий реакция тезликларининг константалари.



3-расм. Кимёвий реакторнинг принципал схемаси

бу ерда: $x_1^{куп}, x_2^{куп}$ – кириш реагентларининг концентрацияси; $x_5^{куп1}, x_5^{куп2}$ – кириш реагенти оқимларининг температураси; G_1, G_2 – кириш реагентларининг сарфлари; $G_{св}$ – қурилмага кираётган ва қурилмадан чиқаётган совитувчи агент сарфи; $x_5^{куп}, x_5$ – қурилмага кираётган ва қурилмадан чиқаётган совитувчи агент температураси; G – қурилмадан чиқаётган аралашма сарфи; x_1, x_2, x_3, x_4 – реактордаги компонентларининг концентрацияси; x_5 – қурилмадаги реакцион аралашма температураси; $V = x_7$ – қурилма хажми; $G_{св}$ – буғ қобиғидаги совитувчи агент хажми;

Кимёвий реактор динамикасининг математик модели реактордаги ҳар бир компонентнинг материал баланс тенгламасидан, реакцион аралашманинг иссиқлик баланс тенгламасидан ва буғ қобиғидаги совитувчи агентдан ташкил топган:

$$\begin{cases} \dot{x}_1 = R_1 + \frac{G_1 \cdot x_1^{куп}}{V} - \frac{G \cdot x_1}{V}, \\ \dot{x}_2 = R_2 + \frac{G_2 \cdot x_2^{куп}}{V} - \frac{G \cdot x_2}{V}, \\ \dot{x}_3 = R_3 - \frac{G \cdot x_3}{V}, \\ \dot{x}_4 = R_4 - \frac{G \cdot x_4}{V}, \\ \dot{x}_5 = \frac{G_1 \cdot x_5^{куп1}}{V} + \frac{G_2 \cdot x_5^{куп2}}{V} - \frac{G \cdot x_5}{V} + \frac{\Delta H_1 \cdot k_1 \cdot x_1 \cdot x_2 + \Delta H_2 \cdot k_2 \cdot x_1 \cdot x_3}{\rho \cdot C} - \frac{K_T \cdot F_T \cdot (x_5 - x_6)}{V \cdot \rho \cdot C} \\ \dot{x}_6 = \frac{G_{св} \cdot x_6^{куп}}{V_{св}} - \frac{G_{св} \cdot x_6^{куп}}{V_{св}} + \frac{K_T \cdot F_T \cdot (x_5 - x_6)}{V_{св} \cdot \rho_{св} \cdot C_{св}} \end{cases} \quad (20)$$

бу ерда, $R_1 = -k_1 \cdot x_1 \cdot x_2 - k_2 \cdot x_1 \cdot x_3$, $R_2 = -k_2 \cdot x_1 \cdot x_3$, $R_3 = k_1 \cdot x_1 \cdot x_2 - k_2 \cdot x_1 \cdot x_3 \cdot x_4$, $R_4 = k_2 \cdot x_1 \cdot x_3$ – компонентларнинг реакция тезлиги, $\Delta H_i, i = 1, \dots, 3$ – реакция босқичларига мос иссиқлик эффекти, реакторга кираётган компонентлар сарфларининг йиғиндиси; K_T – девордан иссиқлик ўтказиш коэффициенти; F_T – қурилманинг иссиқлик алмашинишининг юзаси; ρ, C – реакцион аралашманинг зичлиги ва иссиқлик сиғими; $\rho_{св}, C_{св}$ – совитувчи агентнинг зичлиги ва иссиқлик сиғими.

Ушбу келтирилган муносабатлар асосида бошқариш объектига қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб берадиган бошқариш тизимини синтезлаш алгоритмлари ишлаб чиқилди.

Диссертация ишининг **“Синергетик ёндашувни дизель ёқилғисини гидротозалаш технологик жараёнининг бошқариш тизимларининг амалий тадбиқи”** деб номланган тўртинчи бобида дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг муҳим технологик параметрлари, яъни кимёвий реактордаги ҳарорат ва компонентлар концентрациясини ростлаш тизимини яратилган синергетик ёндашув асосида синтезлаш усуллари, моделлари ва

алгоритмларини дизель ёқилғисининг гидротозалаш жараёнига қўллаш натижалари келтирилган.

Дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг ҳароратини турли ноаниқликлар мавжуд бўлган ҳолда АКАР усули ва бошқариш алгоритмларининг самарадорлигини баҳолаш учун Matlab дастурида кимёвий реакторнинг параметрларини ростлаш тизимининг имитацион модели қурилган ҳамда ташқи таъсирлар мавжуд бўлганда бир қатор ҳисоблаш тажрибалари ўтказилган. Кимёвий реакторни векторни бошқаришда, чиқишидаги компонентлар концентрацияси ва ташқи таъсирларда аппаратдаги реакция аралашмасининг ҳароратларини барқарорлаштиришдан иборат. Кимёвий реакторнинг математик модели (20) ни қуйидаги кўринишда ифодалаймиз:

$$\begin{cases} \dot{x}_1 = R_1 + M_A - b_2 x_1 - b_3 x_1 u, \\ \dot{x}_2 = R_2 - b_2 x_2 + (M_B - b_3 x_2) u, \\ \dot{x}_3 = R_3 - b_2 x_3 - b_3 x_3 u, \\ \dot{x}_4 = R_4 - b_2 x_4 - b_3 x_4 u, \\ \dot{x}_5 = \alpha_1 k_1 x_1 x_2 + \alpha_2 k_2 x_1 x_3 + \alpha_3 k_3 x_1 x_4 + b_2 x_5^{kup1} + \beta_1 x_6 - (\beta_1 + b_2) x_5 + (x_5^{kup2} - x_5) b_3 u, \\ \dot{x}_6 = \beta_2 (x_5 - x_6) + b_1 (x_6^{kup} - x_6) \cdot u_2 \end{cases} \quad (21)$$

бу ерда:

$$M_A = G_1 \cdot x_1^{kup} / V; M_B = x_2^{kup} / V; b_1 = G_{c6} / V_{c6}; b_2 = G_1 / V; b_3 = 1 / V; \alpha_i = \Delta H_i / (\rho \cdot C), i = 1, \dots, 3;$$

$$\beta_1 = K_T F_T / (\rho \cdot C \cdot V); \beta_2 = K_T F_T / (\rho_{c6} \cdot C_{c6} \cdot V_{c6});$$

$R_i, i = 1, \dots, 4$ – тегишли модданинг реакция тезлиги; $u = G_{c6}$ – ростланувчи таъсир.

$u = G_{c6}$ – 21- объектнинг математик модели иккита ташқи бошқарувчи таъсирларга $u_1 = G_2$ ва $u_2 = G_c$ эга бўлганлиги сабабли, АКАР усули қўллаймиз.

Биринчиси тизим технологик талабларини ифодаловчи ва иккинчиси x_6 ва ростланувчи катталиқ x_5 ларни ўзаро боғлиқлигини ифодаладиган иккита агрегир макроўзгарувчиларни киритамиз:

$$\psi_1 = x_4 - \bar{x}_4, \quad \psi_2 = x_6 + v_1 \cdot (x_5), \quad (22)$$

бу ерда $v_1 \cdot (x_5)$ – функция.

Макроўзгарувчи АКАР усулининг асосий функционал тенгламасини қаноатлантирилиши керак:

$$T_1 \dot{\psi}_1(t) + \psi_1(t) = 0, i = 1, 2. \quad (23)$$

Бошқариш қонуни $u = (u_1, u_2)^T$ синтезлаш учун макроўзгарувчилар ψ_1, ψ_2 ни функционал тенглама (23) га қўйиб, қуйидаги ифодаларни ҳосил қиламиз:

$$T_1 \frac{dx_4}{d\tau} + x_4 - \bar{x}_4 = 0, \quad T_2 \left[\frac{dx_6}{d\tau} + \frac{\partial v_1}{\partial x_5} \frac{dv_1}{d\tau} \right] + x_6 + v_6 = 0.$$

(21) объект тенгамасини ҳисобга олиб, бу ифодалар қуйидаги кўринишга келади:

$$T_1(R_4 - b_2x_4 - b_3x_4u_1) + x_4 - \bar{x}_4 = 0, \quad (24)$$

$$T_2 \left[\beta_2(x_5 - x_6) + b_1(x_6^{kip1} - x_6)u_2 + \frac{\partial v_1}{\partial x_5} \cdot (f_5 + \beta_1x_6 + (x_5^{kip2} - x_5)b_3u_1) \right] + x_5 + v_1 = 0,$$


бу ерда $f_5 = \alpha_1k_1x_1x_2 + \alpha_2k_2x_1x_3 + \alpha_3k_3x_1x_4 + b_2x_5^{kip1} - (\beta_1 + b_2)x_5$.

(24) дан фойдаланиб, бошқариш қонуни учун ифодани қуйидаги кўринишда ифодалаймиз:


$$u_1 = \frac{(x_4 - \bar{x}_4)}{T_1 \cdot b_3 \cdot x_4} + \frac{R_4}{b_3 \cdot x_4} - \frac{b_2}{b_3}, \quad (25)$$

$$u_2 = \frac{(x_6 + v_1)}{T_2 \cdot b_1 \cdot (x_6^{kip} - x_6)} - \frac{\beta_2(x_5 - x_6)}{b_3 \cdot (x_6^{kip} - x_6)} - \frac{\partial v_1}{\partial x_5} \cdot \frac{[f_5 + \beta_1 \cdot x_6 + (x_5^{kip} - x_5) \cdot b_3 \cdot u_1]}{b_1(x_6^{kip} - x_6)}$$


Кимёвий реактор динамикасининг математик модели ифодасини (20) юқорида кўриб чиқдик. Кимёвий реакторнинг оптимал ишлаш режими реакция аралашма ҳарорати ва чиқишдаги компонент концентрациясини берилган қийматларда ушлаб туриш билан таъминланади (4-расм). Концентрация ва ҳароратни ростлаш учун бошқариш каналлари сифатида G_2 – кирувчи реагент оқими ва G_{cv} – қурилмага кираётган совитувчи агент сарфларидан фойдаланамиз.



4-расм. Кимёвий реакторни синтезлаш жараёнини бошқаришнинг блокли имитацион модели



5-расм. Поғонали туртки берилгандаги бошқариш ва чиқиш параметрларининг ўтиш характеристикалари.



6-расм. Поғонали туртки берилгандаги бошқариш ва чиқиш параметрларининг ўтиш характеристикалари.

Ўтиш жараёни графикларидан кўриниб турибдики (5,6-расм), кўзгалтирувчи ташқи таъсир мавжуд бўлганда, синергетик ростлагичли бошқариш тизими барқарор ишлайди ва бошқариш объектини бир ҳолатдан иккинчисига етарлича тезликда ўтказди. Имитацион тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ташқи ғалаёнлар ноаниқлиги шароитида синергетик ростлагичли бошқариш тизими ўзининг барқарорлигини ва бошқарувнинг талаб қилинадиган сифатини таъминлайди. Дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнини бошқаришда ишлаб чиқилган синергетик ёндашув асосида бошқариш тизимини қўлланилиши натижасида “Фарғона НҚИЗ”да кимёвий реактор ҳарорат режимининг номинал қийматидан оғиши 1,2 % га камайишига эришилган, бу эса ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада оширишга олиб келади.

ХУЛОСА

Диссертацияда тизимли таҳлил, синергетик бошқариш назарияси концепцияси асосида ночизикли динамик объектларни бошқариш тизимини синтезлашнинг динамик моделлари ва алгоритмлари ишлаб чиқилди. Тадқиқот нихоясида қуйидаги илмий натижалар олинди:

1. Ночизикли динамик объектларни синергетик ёндашув асосида бошқариш тизимларининг математик моделларини ишлаб чиқилган. Бу ноаниқликлар шароитида технологик жараённинг динамик хоссаларини ягона математик восита асосида шакллантириш имконини беради.

2. Ночизикли динамик объектларни синергетик ёндашув асосида ночизикли бошқариш алгоритмларини ишлаб чиқилган. Бу ўз-ўзини ташкил этиш хусусиятига эга бўлган бошқариш қонунларини яратиш имконини беради.

3. Ночизикли динамик объектларни синергетик ростлагичли автоматлаштирилган бошқариш тизимини модели ишлаб чиқилган бўлиб, у технологик жараёни синергетик бошқариш тизимини яратиш учун математик асос бўлиб хизмат қилади.

4. Синергетик ёндошув асосида кимёвий реакторнинг технологик параметрлари (температура ва компонентларнинг концентрациялари) ни автоматик барқарорлаштиришнинг ночизиклилик қонунини аналитик синтезлаш масаласи шакллантирилган. Бошқариш қонунларини аналитик кўринишда олиш имконини беради.

5. Дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнининг синергетик бошқариш тизими ишлаб чиқилган. Бу технологик параметрларининг ўзгарувчанлигини ҳисобга олган ҳолда жараённинг барқарорлигини таъминлаш имконини беради.

6. Технологик жараёнларни бошқаришда синергетик ёндошув усуллари асосида синергетик ростлагичнинг оптимал ростлаш параметрларини ҳисоблаш алгоритми ишлаб чиқилган. Буни амалиётга тадбиқ этиш натижасида кимёвий реактор ҳароратини номинал қийматидан оғишини 2,2 % га камайтиришга эришилди.

7. Диссертация ишининг тадқиқотлари натижасида дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнида водород сарфини 0,9% га, ҳамда энергия сарфини 1,2 % га камайтиришга эришилди. Ишлаб чиқилган синергетик ёндошувни дизель ёқилғисини гидротозалаш жараёнига тадбиқ этиш натижасида тозаланган дизель ёқилғисини сифат кўрсаткичини 1,4 % га оширишга эришилди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.3/03.06.2023.T.04.03 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО- ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ХИМИКО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

УСМАНОВ КОМИЛ ИСРОИЛОВИЧ

**АЛГОРИТМИЧЕСКИЙ СИНТЕЗ СИСТЕМ УПРАВЛЕНИЯ
НЕЛИНЕЙНЫМИ ДИНАМИЧЕСКИМИ ОБЪЕКТАМИ НА ОСНОВЕ
СИНЕРГЕТИЧЕСКОГО ПОДХОДА**

**05.01.08- Автоматизация и управление технологическими процессами
и производствами**

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Ташкент – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.4.PhD/T1429.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tkti.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Сиддиков Исомиддин Хакимович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Каипберганов Ботирбек Тулепбергенович доктор технических наук, профессор Искандаров Зоҳид Эргашбаевич доктор философии по техническим наукам (PhD)
Ведущая организация:	Бухарский инженерно-технологический институт

Защита диссертации состоится «__» _____ 20__ года в __ часов на заседании Разового Научного совета на основе Научного совета PhD.3/03.06.2023.T.04.03 при Ташкентском химико-технологическом институте (Адрес: 100011, г.Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел: (99871) 244-79-21; факс: (99871) 244-79-17; e-mail: tkti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института (зарегистрировано №__). (Адрес: 100011, г. Ташкент, Шайхантахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 20__ года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 20__ года)

Б.Ш. Усмонов

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

З.А.Машарипова

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.т.н., доцент

А.Артиков

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в последнее время современные сложные технические системы представляют собой комплекс различных подсистем, выполняющих определенные технологические функции и связанных между собой процессами и обменом энергией, веществами и информацией. Одной из основных задач в области автоматизации технологических процессов является создание высокоэффективных систем управления с использованием методов синергетического подхода, позволяющих повысить качество процесса управления и добиться производства высококачественной продукции при меньших затратах энергии и ресурсов. В этом плане немало достижений достигнуто в ряде ведущих зарубежных странах, где большое значение при решении задач синтеза имеет создание новых законов управления с учетом естественных свойств нелинейных объектов.

В мире проводятся научные исследования по совершенствованию систем управления технологическими процессами, в частности, по получению высококачественной продукции за счет внедрения методов синергетического подхода на нефтеперерабатывающих предприятиях. В реальных условиях производственные процессы имеют сложный характер и подвержены различным внешним и внутренним воздействиям. Неопределенность этих и других эффектов, взаимозависимость технологических параметров и их нелинейность усложняют задачу создания качественной системы управления. С этой точки зрения, особое внимание уделяется совершенствованию систем управления на основе синергетического подхода, который является одним из современных методов управления переработкой нефтепродуктов, особенно гидроочисткой дизельного топлива.

В Республике Узбекистан уделяется большое внимание в целом, автоматизации систем управления, и в том числе созданию систем усовершенствованного управления, обеспечивающих энерго- и ресурсосбережение в процессах переработки нефтепродуктов. В Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 гг., в том числе: «Продолжение реализации промышленной политики, направленной на обеспечение стабильности национальной экономики, увеличение доли промышленности в валовом внутреннем продукте и рост объема производства промышленной продукции в 1,4 раза...»¹. Для реализации этих задач, в том числе повышения качественных показателей процессов нефтепереработки, необходима разработка алгоритмов моделирования и синтеза цифровой системы управления процессом гидроочистки дизельного топлива на основе экономически эффективных технологий с использованием современных технических средств.

¹ Указ Президента Республики Узбекистан «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы» УП-60 от 28 января 2022 года.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития нового Узбекистана», от 01 февраля 2019 года № УП-5646 «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отраслью Республики Узбекистан», постановлениями №ПП-4265 от 3 апреля 2019 года «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности» и №ПП-3682 от 27 апреля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы практического внедрения инновационных идей, технологий и проектов», а также другими нормативно-правовых документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

